
Бугун 4 та ҳудудда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкилланди

Бугун Бағдод туманидаги 4 та бирламчи тиббиёт муассасасида (4 та сектор кесимида) фуқаролар учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкилланди.

Тиббиёт бирлашмасининг тор доирадаги мутахассислари иштирокида ўтган кўрикларда турли асосларга кўра "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар ҳамда эҳтиёжманд оилалар вакилларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тиббий кўрикларда 517 нафар фуқаро (435 нафари аёллар ва болалар) жалб этилган бўлса, уларнинг 253 нафарида касалликлар аниқланиб, амбулатор ва стационар тартибда даволаниш бўйича зарур тавсиялар берилди.

Шунингдек, касаллик аломатлари аниқланган 83 нафар фуқарога "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят ҳудудий бўлинмаси томонидан 14 турдаги дори-дармонлар бепул тарқатилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-03-09 18:10:34